

КЎРГАЗМАЛАРДАГИ ҲИСОБОТ



Хизматингизда бўлади:

ПОЙТАХТ МУЗЕЙЛАРИ

Конференция кунларида делегатларнинг дам олиш сасларига мослаб ишлар назарда тутилган. Делегатлар, конференция меҳмонлари шу кунларда яна ёки коллектив тартибда В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкент филиалига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. Навоий номи адабиёт, Ўзбекистон ССР Давлат санъат, амалий санъат, Туркистон ҳарбий округи қурулди кучлари тарихи музейи ва бошқа музейларга қўйилган экспонатлар ҳамда тарихий матъу-

лотлар билан танишишлари мумкин. Уларга музейларнинг малакали гидлари намунали хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасига ташриф буюрган томошабинлар «Съезддан съездгача» деб номланган янги фотостенда республикамиз эконимикасининг кейинги беш йилликдаги ривож ҳақида аниқ матълумотлар олади.

Шаҳар марказида кейинги йилларда ташкил этилган янги Ўзбекистон гилам ва сўзаналар музейи ҳамда нодар ва заргарлик буюмлари музейларида делегатлар кўплаб ноёб халқ санъати асарлари билан танишишлари мумкин.

ТЕАТР ВА КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИ

Шу кунларда томошабинлар томонидан илиқ кутуб олинган сахна асарларини намойиш этиди. Уларнинг кўпчилиги ўз репертуарларини янгилатилди.

Бугун Навоий номи Ўзбекистон ССР Давлат академик опера ва балет Катта театрида Ж. Вердининг «Отелло» операси, Ҳамза номи Ўзбек Давлат академик драма театрида

Ҳамза Умарбековнинг «Курорт», М. Горький номи академик рус драма театрида А. Гельманнинг «Зинуля», опера театрида «Севастополь вальси», Муқимий номи театрида эса Ҳамид Ҳуломнинг «Мангулик» сахна асарлари намойиш этилади.

«Баҳор» концерт залида шу кунги Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри ўзининг махсус тайёрлаган концерт программасини томошабинлар ҳужига ҳавола этиди.

Томошалар кеч соат 19.30 да бошланади.

Бу ер кеча ҳам гавжум бўлган эди. Рўйхатдан ўтган келган область партия конференциясининг делегатлари фойега қўйилган стендлар, кўргазмаларни диққат билан кўздан кечирардилар. Уларда пойтахт области меҳнатқашларнинг ун биринчи беш йилликда эришган муваффақиятлари, истиқбол режалари ўз ифодасини топган.

Стендлардан бирида конференциядан конференциягача бўлган даврда области мида ишга туширилган янги объектлар ва қувватлар акс эттирилган. Биргина Янги Ангрен ГРЭСида ишга туширилган иккинчи энергоблокнинг умумий қуввати 600 минг киловаттнинг ташкили этиди. Матълумки, бу нурухна КПСС XXVI съезди қарорлари асосида бунёд этилмоқда. Ўтган йили фойдаланишга топширилган Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис фабрикасининг комплексиди 5 мингта турли машина-ускуналар ўрнатилган, 1985 йилда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида 10 минг тонна металл қуйиш қувватига эга бўлган завод қурилиши нидоюсига эди.

Агросаноат комплексининг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина 1-Тошкент паррандачилик фабрикасида 6,8 миллион бройлер парвариш қилинадиган қувватлар ишга туширилди.

Кўргазмаларда фан-техника тараққиётининг жадаллаштиришга кенг ўрин берилган. Жумладан, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг областимиз саноат кечихоналарида автоматлашган линиялар, робот техникаси, ўзгарувчан системалар жорий қилиш соҳасида амалга оширилган ишлари ўз аксини топган. «Химматериал» илмий-ишлаб чиқариш

пайириш кўзда тутилмоқда. Ун иккинчи беш йилликда шаҳар ва қишлоқларимиз аянда обод ва кўркем бўлди. Бу ерда архитекторларининг янги лойиҳалари билан танишиш мумкин. Айниқса, 7-Қўйлиқ микрорайонининг макети конференция делегатларида катта қизиқиш уйғотди. Микрорайон архитектура ечимлари жиҳатидан ботактор турар-жойлар, маданий-маиший бинолар

маларида тайёрланган кўрмисиз, сифатсиз, брак маҳсулотлар ҳали бу соҳадаги жиҳидий муаммоларини кўрсатиб турибди.

Стендлардан бирида Тошкент шаҳри ва областида бошқа жойлардан олиб келинган кенг истеъмол моллари қўйилган. Улар орасида арқон ва керосин лампалар, оддий пластмасса буюмлари, омбир, қушф, болта, ўроқ, пичоқ, қайчи ва бошқа буюмлар бор. Йилги областимизга ана шундай кенг истеъмол молларидан 9,1 миллион сўмлик олиб келинар экан. Бунинг учун транспорт харажатларига йилга 2,5 миллион сўм сарфланар экан. Стенддаги «Нима учун» бу буюмларнинг ўзини ишлаб чиқармаймиз?» деган савол биринчи навбатда саноат корхоналари раҳбарлари, партия ташкилотларига қаратилган.

Конференция делегатлари кўргазмани кўздан кечирар экан, ён дафтарларига керакли рақамлар, матълумотларини туширишди, ўз-ара фикр алмашдилар. Улар амалга оширилган ишлардан мамнун бўладилар, ҳали ҳал этилган зарур бўлган муаммолар ҳақида ўлайдилар. Кўргазма шу жиҳатлари билан диққатга сазовор.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

Суратларда: кўргазма залида. А. Аблянов ва А. Зуфаров фотолари.

РЕПОРТАЖ

бирлашмасининг Чирчиқдаги конструкторлик бюроси томонидан яратилган ва бу йил ишлаб чиқариш ўзлаштирилган асбоб-ускуналар ҳам экспонатлар қаторидан жой олган.

Стендлар истиқбол режаларини тўғрисида ҳам хикоя қилиди. Улардан бирида 1990 йилга бориб ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстиришнинг камида 80 процентини моддий-техника ресурсларини тежаш ҳисобига таъминлаш, саноат маҳсулотлари таннариҳини 4—5 процентга арзонлаштириш зарурлиги қайд этилган. Айни пайтда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида олий сифат категорияли маҳсулотлар салмоғини 2,5 баробар кў-

қурилиши режаланган. Мактаб ислохотини амалга ошириш вазифалари ҳисобга олинган ҳолда қуриш мулкжаланган ўқув юрталарининг лойиҳалари ҳам диққатини ўзига тортади.

Кўргазманинг алоҳида бир бўлими халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга бағишланган. Лекин бу ерга қўйилган айрим маҳсулотларини кўрган корхона раҳбарлари ва мутахассислари конференция делегатлари олдида қизариш турган гап. Ўзбекистон металлургия заводи, «Ташхиссельмаш» маҳаллий саноат корхоналари, «Гунча», «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йилгига» бирлаш-

ДАМ ОЛИШ КУНИ ЛЕКТОРИЙСИ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида шу йилдан «Дам олиш кунлари лекторийси» деб номланган лекторийларнинг янги туркуми ўқила бошланди.

Бу лекциялар қадимги Миср, Юнонистон, кўҳна ва ўрта асрда Ҳиндистонда яратилган санъат намуналарига, амалий санъатнинг ривожига бағишланди. Лекторий тингловчилари, шунингдек, Уйғониб даври, ўтган асрларда Гаврий Европада яратилган санъат намуналарига билан танишдилар.

амалий санъатнинг ривожига бағишланди. Лекторий тингловчилари, шунингдек, Уйғониб даври, ўтган асрларда Гаврий Европада яратилган санъат намуналарига билан танишдилар.

амалий санъатнинг ривожига бағишланди. Лекторий тингловчилари, шунингдек, Уйғониб даври, ўтган асрларда Гаврий Европада яратилган санъат намуналарига билан танишдилар.

Бадий ҳаваскорлик клуби қатнашчилари бу тадбирни ўзлари учун биринчи имтиҳон деб билиб, унга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Шу

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Олмалиқ шаҳридаги 80-автотиза ҳузурида «Элегия» бадий ҳаваскорлик клуби очилди. Кунга кеча клубнинг дастлабки бадий кечаси ўтказилди.

Бадий ҳаваскорлик клуби қатнашчилари бу тадбирни ўзлари учун биринчи имтиҳон деб билиб, унга алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Шу

сабабли ижро этилган куй ва қўшиқлар, интермедиялар барчага манзур бўлди. Кечада ун биринчи беш йиллик топшириқларини муҳлатидан барвар адо этган, ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида барчага намуна бўлаётган ҳайдовчи ва селарлар О. Қурбондиров, М. Эрмонов, Ж. Иброҳимов, Н.

Алиевлар номи тилга олиниб, уларга аталган қўшиқлар янгиради, табрик сўзлари айтилди.

Олмалиқлик шоир, уруш ва меҳнат ветерани Иван Ким ҳам ўз шеърини ана шу илғорларга бағишлади.

Б. ПУЛАТОВ.

ИХТИРОЧИЛАР СОВҒАСИ

Пойтахтдаги ёш техниклар станциясининг В. И. Ленин номидаги болалар истироҳат боғидаги филиали шу бошлаганида кўп бўлгани йўқ. Ўз касбиянинг устаси, ёшларнинг меҳрибон устози В. Ашқин 1982 йилдан бери янгилик ва ихтиро ихло-мандарига раҳбарлик қилиб келаяпти.

Филиалнинг ёш техника ихлошмандлари А. Қазоков, В. Таратасюк, О. Билбас, М. Антонию, О. Соболев, Ш. Аҳмедов ўтган йилнинг май ойида янги модификациядаги

веломобилини яратишганди. Шу йиллик ёш модел Шайх шайхрида ўтказилган Бутуниттфок конкурсидида кўш муш соврин билан тақдирланди. Кейинчалик Ватанимиз пойтахтида бўлиб ўтган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалида намоиш этилди. Эндиликда эса веломобиль ижодкорлари ун ҳаётимизда — СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонбековга совға қилишга қарор қилдилар.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

1985 йилнинг энг яхши спортчиси деб тоилган до-нецлик студент Сергей Бубка 1986 йили ҳам янги жаҳон рекордларини ўрнатилган бўлиб, Японияда бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда Сергей ёпиқ майдонда лантар билан сакраида 5 метру 87 сантиметр натижа кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга эса Сергейнинг акиси Василий Бубка кўтарилди. Василий 5 метру 66 сантиметр балаидликдан сакраб ўтди. Тоқонда бўлиб ўтган енгил атлетика мусобақаларида вакилларимиздан яна 3 яш совринли ўринларни эгаллашти. Балаидликдан сакраида 2 метру 25 сантиметр натижа кўрсатган Сергей Мельченко иккинчи, 60 метрга тўсиқлар оша югуришда Светлана Гусарова ва Балаидликдан сакраида Елена Топчиалар учинчи совринли ўринларга кўтарилишти.

СУВ ПОЛОСИ

Тошкентдаги Митрофанов номидаги сув спорти саройида сув полоси бўйича республика мусобақалари давом этмоқда. Баҳсларда спорт жаҳитлари на областларнинг 8 командаси узаро куч синашмоқда. Кунга кеча биринчи тур ўйинлари ўтказилди. Мақкур турда Тошкентнинг «Мехнат» командаси Фарғона области вакилларига 8:7 ҳисобида мағлубитга учратилди. Областимиз терма командаси эса «Ешкуч» ватерполчиларига 2:7 ҳисобида ютқизиб қўйишти.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

ТЎПЛАМ БОСИБ ЧИҚАРИЛДИ

РИМ, 15 январь. (ТАСС). Миландаги «Тети эдитор» нашриётида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев нутқлари, докладлари ва суҳбатлари тўплами италия тилида босиб чиқарилди. Бугун СССРнинг Римдаги элчихонасида китобни тақдим этиш расмий маросими бўлди. Маросимда Италиянинг таниқли давлат, сиёсат ва жамоат арбоблари, Компартия раҳбарлик органининг аъзолари, сенаторлар ва парламент депутатлари, савдо-саноат департаментининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Италиянинг таниқли тарихчиси Э. Сантарелли тўпламга ёзган сўзбошида қуйидагилар айтилди: «Социализмни янада ривожлантириш, Совет давлатининг хавфсизлигини таъминлаш, бутун дунёда тинчлик учун кураш — бу Совет Иттифоқининг ҳозирги пайтдаги муҳим вазифалари билан танишган чоғда тинчликни эъзолаётган ва йигирма миллион кишидан жудо бўлиб қолган италиянинг урушдан кейинги қирқ йил мобайнида унут олмайётган мамлакат тўғрисида, ўз турмуш тарзини қонуний ифтихор билан ҳимоя қилиш ниятида бўлган мамлакат ҳақида таассурот ҳосил бўлади».

Маросимда сўзга чиққан кишилар италияларнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг асарлари билан танишуви уларга ҳозирги совет воқелигини чуқурроқ тушуниб олишларида ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар.

АМЕРИКА—ГОНДУРАС ҲАРБИЙ МАШҚЛАРИ

МАНАГУА, 15 январь. (ТАСС). Январ ойининг дастлабки кунлариданоқ Гондурас территориясида «Терренсо сьерра-86» маҳфий номи остида Америка—Гондурас ҳарбий машқлари бошланди. Бу машқлар май ойигача давом этади.

«Машқлар» баҳонаси билан Американинг 145 мингдан кўпроқ солдат ва офицер Марказий Американинг иккинчи шароитларига кўнгикиб жой рельефини мослашмоқда. Кўнгикиларни Никарагуа чегарасига тезлик билан ташлашнинг таъминлаш учун Гондурас йўл коммуниқациялари системаси таъминлаштирилмоқда.

Кейинги ойларида Пентагон ва МРБнинг юқори мартабадали амалдорлари Гондурас пойтахти — Тегусигальпага

«ГВАТЕМАЛА ДЕКЛАРАЦИЯСИ»

ГВАТЕМАЛА, 15 январь. (ТАСС). В. Сересо Гватемала президенти вазифасини бажаришга киришгани муносабати билан шу мамлакат пойтахтида келган Марказий Америка давлатларининг ташқи ишлар министрлари «Гватемала декларацияси»ни имзоладилар.

Бу декларация Контрадор группасига аъзо бўлган мамлакатлар ва «Контрадорни қўллаб-қувватловчи» Лотин Америкаси группасига кирган мамлакатларнинг ташқи ишлар министрлари Карабальедада (Венесуэла) 12 январда имзолаган ҳужжатга қўшимчадир. «Марказий Америкада тинчлик, ҳавфсизлик ва демократия учун» деб сарлавҳа қўйилган шу ҳужжатда регионда тинчликни эриштириш реал йўллари тақдир этилди, кризис тенглик ва адолатлилик асосида бартарарф этилиши, суверенитетини, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, социал-иқтисодий ривожланиш йўлини мустақил танлаб олиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш принципларига танишни рақамли қайд этиб ўтилди.

«Гватемала декларацияси» Марказий Америкада танглигини бартарарф этиш йўлидаги куч-ғайратларга янги омил бахш этиш мақсидида қабул қилинди.



ЖАНУБИ АФРИКА Республикасида апартеидга қарши курашга тайнлар билан жазо отрядлари ўртасидаги тўқнашулар кучаймоқда. Бунинг натижасида тинч аҳоли ўртасида қўрқонлар бўляпти. Суратда: Жанубий Африка ватанпарварли Нельсоннинг рафиқаси Мандела

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

/ "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари — 335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 337010, 325749; кишлққ хўжалиги—325647; пропаганда —325553; совет қурилиши—325645; маданият—325767; ахборот ва спорт —337010, 325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фелетонлар ҳамда ҳарбий ватанпарварлик —325556; редакция бўйича тунги навбатчи —334808, 325353.

